ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТОРОВ ЭРМАМАТ НОРКУЛОВИЧ

БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ЧИЗИКЛИ ЭЛЛИПТИК СИСТЕМАЛАР УЧУН КОШИ МАСАЛАСИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

УДК: 517.946

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САТТОРОВ ЭРМАМАТ НОРКУЛОВИЧ

БИРИНЧИ ТАРТИБЛИ ЧИЗИКЛИ ЭЛЛИПТИК СИСТЕМАЛАР УЧУН КОШИ МАСАЛАСИ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика
(физика-математика фанлари)

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/FM57 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://fti-kengash.uz/) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмиймаслаҳатчи: **Ярмухамедов Шароф**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Чередниченко Виктор Григорьевич**
физика-математика фанлари доктори

Тахиров Жозил Останович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Фаязов Қудратилло Садридинович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчиташкилот: **Россия Фанлар Академияси Сибир бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «___» ___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nu.uz.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__________ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2017 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2017 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

А.С.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И. Ботиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

М.С.Салахитдинов
Илмий даражаларберувчи илмий кенгаш хузуридаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларни тадқиқ қилишга келтирилади. Эллиптик типдаги тенгламаларни шартли корректликка текшириш ва тақрибий ечимини топиш гидродинамика, геофизика, электродинамика каби соҳалардаги амалий тадқиқотларнинг объектидир. Нокоррект масалаларни ечишда регулярлашган ечимлар оиласи корректлик синфи компактга қадар торайтирилганда турғун ечимни тадқиқ қилишга асос сифатида хизмат қилади. Биринчи тартибли чизиқли эллиптик тенгламалар системаси учун қўйилган Коши масаласи кўп ўлчовли фазовий соҳаларда етарли даражада тўла ечилмаганлиги сабабли, ушбу нокоррект масалаларга оид тадқиқотларни ривожлантириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда биринчи тартибли чизиқли эллиптик тенгламалар системаси учун қўйилган нокоррект чегаравий масалаларнинг регурярлашган ечимини қуриш, ечимнинг мавжудлик критериясини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада умумлашган Моисил-Теодореско, умумлашган Коши-Риман, бир жинсли Максвелл тенгламалари системалари учун чегараси компакт бўлмаган қатлам кўринишдаги чексиз соҳада интеграл тасвирни ҳосил қилиш; чегараланган ва чексиз соҳаларда соҳа чегарасининг бир қисмида берилган қийматига кўра ечимни шу соҳага давом эттириш; аниқ кўринишдаги Карлеман матрицасини қуриш; шартли турғунлик баҳолари; Коши масаласи ечимининг мавжудлик критериясини исботлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида мамалакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиқига эга бўлган дифференциал тенглама ва математик физиканинг долзарб йўналишларига, жумладан, эллиптик типдаги дифференциал тенгламалар учун турли чегаравий масалаларни тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар учун нокоррект чегаравий масалаларни тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг тақрибий ечимларини Карлеман матрицаси асосида махсус кўринишдаги соҳаларда қуриш, шартли турғунлик баҳоларини олиш ва ечимнинг мавжудлик критериясини топишга доир салмоқли натижаларга эришилди. “Дифференциал тенгламалар ва математик физика” фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди.[1] Қарор ижросини таъминлашда хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси, шартли турғун коррект масалалар назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 292-сон қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Биринчи тартибли эллиптик системалар учун чегаравий масалаларни ўрганиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Россия Фанлар академияси Москва давлат университети, Новосибирск давлат университети, Белгород педагогика университети, Россия Фанлар академияси Сибир бўлимининг Математика институти, Ҳисоблаш усуллари ва Математик Геофизика институти, Сибир Федерал университети (Россия); University of Wichita, University of Delaware, University of Texas (АҚШ); University of Gunma (Япония); University of Potsdam, Karl-Marx-Stadt University of Technology, University of Gottingen (Германия); University of Ramatgan (Исроил); Измир университети (Туркия); Тбилисси Математика институти (Грузия); ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети, Абай номидаги Қозоғистон Миллий педагогика университети (Қозоғистон); Қирғиз-Турк университети, Ош давлат университети (Қирғизистон) да олиб борилмоқда.

Эллиптик типдаги тенгламалар учун Коши масаласини ечиш назариясига оид дунёда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор долзарб масалалар ечилган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: Коши масаласининг ягоналиги исботланган (California, Berkeley and at New York University); умумлашган Моисил-Теодореско, умумлашган Коши-Риман, бир жинсли Максвелл тенгламалари системалари учун фундаментал ечим, интеграл тасвир ҳосил қилинган ва чегаравий масалалар ечилган (University of Delaware, University of Gottingen, University of Tongji, Тбилисси Математика институти); Ярмухамедовнинг Лаплас тенгламаси учун Коши

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Arkiv Mathematics Astronomis, www.springer.com/mathematics/journal/11512; Rendiconti del seminario matimatico della univ di Padava; Communes Partial Differential Equations; Успехи математических наук, www.mathnet.ru/umn; Математические заметки, www.mathnet.ru/mz, Сибирский математический журнал, www.springer.com; Дифференциальные уравнения, www.link.springer.com/journal/10625 манбалар асосида ишлаб чиқилган.

масаласи ечимининг Карлеман функцияси орқали Шредингер тенгламаси учун қўйилган тескари масалани экпоненционал ўсувчи ечими топилган (Gunma University); текисликда ўзгарувчи коэффициентли иккинчи тартибли эллиптик тенгламалар, ҳамда Гельмгольц ва электродинамика тенгламалари учун Коши масаласининг ечими Карлеман формуласи қурилган. Математик физиканинг нокоррект ва тескари масалаларини ечиш назарияси бўйича (С.Л.Собольев номидаги Математика институти, Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институти, Новосибирск давлат университети) фаол тадқиқотлар олиб борилган. Эллиптик системалар ва комплекслар учун иккиланган ортогонал базис иборасида Карлеман формуласи асосида Коши масаласини ечиш усуллари ишлаб чиқилган (Сибир Федерал университети, Potsdam университети, Самарқанд давлат университети); ҳақиқий ва комплекс кватернион параметрли тенгламалар учун чегаравий масалаларни ечишнинг кватернион қийматли функциялар орқали ифодалаш усуллари ишлаб чиқилган (Karl-Marx-Stadt University of Technology, CINVESTAN del I.P.N.Mexico); бир жинсли Фредгольм интеграл тенгламаси ва чизиқли бўлмаган Вольтер-Стильтес интеграл тенгламалари системаси ечимининг ягоналиги исботланган ва регуляризация усули ишлаб чиқилган (ал Форобий номидаги Қозоғистон Миллий университети, Абай номидаги Қозоғистон Миллий педагогика университети, Қирғиз-Турк университети, Ош давлат университети).

Дунёда бугунги кунда эллиптик тенгламалар ва уларнинг системаси учун қўйилган Коши масаласи бўйича бир қатор, жумладан, муайян жараённинг янада мутаносиб равишда ўзида акс эттирувчи математик моделларни яратиш ва уларни ифодаловчи масалаларни ечиш; Коши масаласининг аналитик ечимларини аниқ ва тақрибий кўринишда қуриш; ечимнинг мавжудлик критериясини исботлаш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нокоррект масалаларни амалий жиҳатдан муҳим эканлиги кўрсатилиб, мумкин бўлган ечимлар синфи компактга қадар торайтирилса бу масала турғун бўлишига доир биринчи натижалар А.Н.Тихонов ишларида келтирилган. Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи ва математик физиканинг шу қатори бошқа нокоррект масалаларида тўғри цилиндр ҳамда чегараси силлиқ бўлган ихтиёрий фазовий соҳада М.М.Лаврентьев ва сфера ичида С.Н.Мергеляннинг ишларида ёритилган. Ихтиёрий ўзгарувчи коэффициентли эллиптик тенгламалар учун Е.М.Ландис; ёпиқ йўлак кўринишидаги чексиз соҳада В.К.Ивановлар томонидан ўрганилган.

Ш.Ярмухамедов Лаплас ва Гельмгольц тенгламалари учун Коши масаласи соҳа чегарасининг қисми конусни сирти бўлганда, фундаментал ечимни соҳа чегарасининг коник қисмида аппроксимация қилиш; А.А.Шлапунов томонидан Лаплас тенгламаси учун Коши масаласи соҳа чегарасининг қисми сфера сирти бўлганда, фундаментал ечимни соҳа чегарасининг сферик қисмида бир жинсли гармоник кўпҳад билан аппроксимация қилиш орқали Карлеман функциясини қуриш асосида ечилган. Иккиланган ортогоналлик базис терминида умумий эллиптик системалар, эллиптик комплексларда Коши масаласи Н.Н.Тарханов, А.А.Шлапунов, ишларида ёритилган. Текисликда Гельмгольц тенгламаси ва электродинамика тенгламалари системаси учун Коши масаласини ечишда Карлеман функцияси А.Л.Бухгейм и Э.В.Арбузовлар томонидан қурилган.

Кўп ўлчовли фазода эластиклик назарияси тенгламалари системаси учун Коши масаласи Т.Ишанкулов, О.Махмудов ва И.Ниёзов; Навье-Стокс тенгламалари системаси учун Коши масаласи Э.Жабборов томонидан ўрганилган. Н.Н.Тарханов, О.Махмудов, К.Махмудов ишларида эса Максвелл типидаги тенгламалар учун Карлеман формуласи ўрганилган. С.И.Кабанихин, Қ.С.Фаязов ва уларнинг ўқувчилари томонидан юқори тартибли ўзаро қўшма операторли коэффициентли ва аралаш-тузилмали турдаги тенгламалар учун нокоррект масалалар, А.Ҳайдаров, А.Сериекбаев ва Д.К.Дурдиевларнинг тадқиқот ишларида эллиптик ва гиперболик тенгламалар учун тескари ва нокоррект масалалар ўрганилган. Акрам Бегматовнинг ишларида эса интеграл геометрия масалалари тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг ОТ-Ф1-044- «Биринчи ва иккинчи тартибли чизиқли ўзгармас коэффициентли эллиптик системалар учун Коши масаласи» (2007-2011 йиллар) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади биринчи тартибли чизиқли эллиптик тенгламалар системаси учун қўйилган Коши масаласининг чегараланган ва чексиз соҳаларда регулярлашган ечимини топиш ва ечимнинг мавжудлик критериясини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чегараси компакт бўлмаган чексиз соҳада умумлашган потенциал ва умумлашган голоморф векторлар учун Кошининг интеграл формуласи, бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси ечими учун Стрэттон-Чу формуласини ҳосил қилиш;

умумлашган Коши-Риман системаси, умумлашган Моисил-Теодореско тенгламалари системаси ва кватернион параметрли умумлашган Коши-Риман системалари учун нокоррект Коши масаласини тадқиқ қилиш;

умумлашган Коши-Риман системаси, умумлашган Моисил-Теодореско тенгламалари системаси ва кватерион параметрли умумлашган Коши-Риман системалари учун Карлеман матрицасини қуриш, шартли турғунлик баҳоси ва Коши масаласининг регулярлашган тақрибий ечимини топиш;

умумлашган Коши-Риман системаси, умумлашган Моисил-Теодореско тенгламалари системаси учун Фок-Куни теоремасини исботлаш;

чегараланган ва чегараси компакт бўлмаган чексиз соҳада бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси учун Карлеман формуласини топиш;

бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси учун Фок-Куни теоремасини топиш.

Тадқиқотнинг объекти умумлашган Моисил-Теодореско ва Коши-Риман тенгламалари системаси, гармоник ҳолатдаги бир жинсли Максвелл ва Дирак тенгламалари системасидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети умумлашган Коши-Риман тенгламалари системаси, гармоник ҳолатдаги бир жинсли Максвелл ва Дирак тенгламалари системаси учун нокоррект масала (Коши масаласи)ни ечиш, яъни махсус чегараланган ҳамда чексиз соҳада регуляр ечим ва аналитик давом эттириш формулаларини ҳосил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида ҳақиқий ва комплекс анализ, сирт потенциали, кватернион анализ, математик физика ва дифференциал тенгламаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чегараси компакт бўлмаган чексиз соҳада умумлашган потенциал ва умумлашган голоморф векторлар учун Кошининг интеграл формуласи ҳамда бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси учун Стрэттон-Чу формуласи исботланган;

чегараланган ва чексиз соҳада умумлашган Коши-Риман тенгламалари системаси учун Коши масаласининг регулярлашган ечими қурилган ва ечимнинг мавжудлик критерияси исботланган;

умумлашган Моисил-Теодореско тенгламалари системаси учун Карлеман формуласи исботланган, Коши масаласининг регулярлашган ечими қурилган ҳамда шартли турғунлик теоремалари ва ечимнинг мавжудлик критерияси исботланган;

бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси учун Карлеман формуласи ва Коши масаласи ечимининг регуляризацияси қурилган, ҳамда шартли турғунлик, Фок-Куни теоремалари исботланган;

кватернион параметрли Коши-Риман системаси, гармоник ҳолатдаги бир жинсли Максвелл ва Дирак тенгламалари системаси учун Коши масаласининг регулярлашган ечими қурилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари нокоррект масалаларни ечишда ҳосил қилинган тақрибий ва аниқ ечимлардан геофизикада гармоник электромагнит, спинор ва потенциал майдонларни давом эттириш масалаларида шартли корректлик тўплами аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси, нокоррект масалалар назарияси, кватернион анализ усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти биринчи тартибли чизиқли эллиптик тенгламалар системаси назарияси ҳамда нокоррект масалаларни ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти биринчи тартибли чизиқли эллиптик тенгламалар системаси учун қўйилган нокоррект Коши масалалари билан ифодаланувчи геофизик кузатувлар, электромагнит тўлқинлар тарқалиши каби физик жараён ва ҳодисаларнинг моделларига тадбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

умумлашган Коши-Риман тенгламалари системаси учун Коши масаласини ечишда регулярлашган ечимнинг Карлеман матрицасини қуриш 15-31-10413 рақамли грант лойиҳасида геофизиканинг нокоррект чегаравий масалаларини ечишда фойдаланилган (Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2016 йил 2 сентябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши умумлашган Коши-Риман тенгламалари системалари чегаравий масалалари ечимларининг аниқ ва тақрибий қийматларини топиш имконини берган;

бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси учун Коши масаласини ечишда регулярлашган ечимни қуриш ва ечимнинг мавжудлик критерияси (Карлеман формуласи) 15-31-10413 рақамли грант лойиҳасида электродинамиканинг нокоррект чегаравий масалаларини ечишда фойдаланилган (Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2016 йил 2 сентябрдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши бир жинсли Максвелл тенгламалари системалари нокоррект масалаларининг регулярлашган ечимларини топиш имконини берган;

умумлашган Моисил-Теодореско тенгламалари системаси учун Коши масаласини тақрибий ечими нефт - газ қидирувига доир геофизика масалаларини ўрганишда фойдаланилган (Атырауский нефт ва газ (Қозоғистон) институтнинг 2017 йил 11 январдаги маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши геофизиканинг нефт ва газ қидирув масалаларини ечиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 24 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 12 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 48 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 18 та мақола, жумладан, 7 таси хорижий ва 11 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 206 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Уч ўлчовли фазода умумлашган потенциал ва голоморф векторларнинг соҳа чегарасини бир қисмида берилган қиймати бўйича давом эттириш»** деб номланувчи биринчи боби чекли ва чексиз соҳада умумлашган Моисил-Теодореско системаси учун Коши масаласи регулярлаштирилган ечимини қуриш, ечимнинг мавжудлик критерияси (зарурий ва етарли шарт)ни исботлашга бағишланган. Чексиз соҳада экспоненциал тарзда ўсувчи умумлашган потенциал ва голоморф векторларнинг интеграл формуласи Коши ядросининг умумлашган кўриниши орқали ҳосил қилинади.

Лаплас тенгламаси учун Коши масалаласини ечишнинг М.М.Лаврентьев томонидан тавсия этилган Карлеман фунцияси усулидан фойдаланилади. Карлеман функцияси махсус соҳаларда Л.А.Айзенберг, Ш. Ярмухамедов, Н.Н.Тарханов, А.Л.Бухгейм, А.А.Шлапуновлар томонидан ишлаб чиқилган ва ривожлантирилган.

Кейинги вақтда биринчи тартибли чизиқли эллиптик тенгламалар системаси, шу жумладан, умумлашган Коши-Риман системаси учун қатор ишлар пайдо бўлди. Булар тўғрисидаги маълумотларни S.Agmon, A.Douglis, L.Nirenberg, E.M.Stein, G.Wiess, И.Н.Векуа, В.С.Владимиров, И.В.Волович, М.З.Соломяк, А.В.Бицадзе, А.А.Дезин, А.Д.Джураев, А.П.Солдатов, В.С. Виноградов, Гр.Моисил ва Н.Теодореско, И.Р.Шафаревич, В.В.Кравченко, М.В.Шапиро ва Т.Ишанкуловларнинг ишларидан топиш мумкин.

Республикамизда Лаплас ва Гельмгольц тенгламалар учун қўйилган Коши масаласини ўрганиш Ш.Ярмухамедов ва унинг ўқувчилари томонидан XX-асрнинг етмишинчи йилларидан бошланган. Шуни таъкидлаш лозимки, бу ишларда Карлеман функциясидан фойдаланган ҳолда Коши масаласини регулярлашган ечими аниқ кўринишда ёзилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфида махсус соҳаларда Коши масаласини ечиш учун қўлланиладиган Карлеман функцияси (матрицаси) ни қуришнинг тўлалигини таъминлашга доир маълумотлар келтирилган.

$K(\varsigma)-$ $\varsigma=\xi+i\eta$ комплекс ўзгарувчининг бутун функцияси, ς ҳақиқий бўлганда ҳақиқий ва $K(\xi)\neq\infty$, $|\xi|<\infty$,

$$\sup_{\eta\geq 1}\left|K^{(p)}(\xi+i\eta)\exp\eta\left|\operatorname{Im}\lambda\right|\right|=M(\xi)<\infty,\quad p=0,1,\dots .$$

шартни қаноатлантиради.

Гельмгольц тенгламаси учун Карлеман функцияси

$$C_n\, K(0)\Phi(y,x;\lambda)=\frac{\partial^{m-1}}{\partial s^{m-1}}\int_0^\infty \operatorname{Im}\left[\frac{K(w)}{w}\right]\frac{\psi(\lambda u)}{\sqrt{u^2+\alpha^2}}du\,, \qquad (1)$$

бу ерда

$$w=i\sqrt{u^2+\alpha^2}+y_n-x_n\,,\ s=\alpha^2=(y_1-x_1)^2+\ldots+(y_{n-1}-x_{n-1})^2\,,$$

$$r^2=|y-x|^2=\alpha^2+(y_n-x_n)^2\,,\quad y=(y_1,\ldots,y_n)\,,\ x=(x_1,\ldots,x_n)\in R^n$$

$$C_n=\begin{cases}(-1)^m 2^{-1}(m-2)!(n-2)\pi\omega_n, & n=2m,\ m\ge 2;\\ (-1)^m 2^{-2m+1}(m-1)!(n-2)\pi\omega_n, & n=2m+1,\ m\ge 1\end{cases},$$

$$\psi(\lambda u)=\begin{cases}uI_0(\lambda u), & n=2m,\ m\ge 1,\\ \cos(\lambda u), & n=2m+1,\ m\ge 1,\end{cases}$$

$I_0(\lambda)$-нолинчи тартибли Бессел функцияси; ω_n- R^nда бирлик сфера юзаси,

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида умумлашган Коши-Риман системаси

$$div\vec{F}+(\vec{A}\cdot\vec{F})=0\,,\quad rot\vec{F}+\left[\vec{F}x\vec{A}\right]=0\,, \qquad (2)$$

ечими $\vec{F}(x)=(F_1(x),F_2(x),\,F_3(x))$-умумлашган потенциал вектор учун $0<y_3<h,$ $h=\dfrac{\pi}{\rho},\ \rho>0$ тенгсизлик билан аниқланувчи энг кичик кенгликдаги қатлам ичида ётувчи, чегараси $\partial\Omega$ чексизга қадар чўзиладиган Ω чексиз соҳада Кошининг умумлашган интеграл формуласи ҳосил қилинган, бу ерда $\vec{A}=(a_1,a_2,a_3)$- ўзгармас вектор.

Фараз қилайлик, $\partial\Omega$ чегаранинг юзаси

$$\int_{\partial\Omega}\exp\{-b_0\,ch\rho_0|y'|\}ds<\infty,\quad b_0>0,\ 0<\rho_0<\rho\,. \qquad (3)$$

ўсиш шартини қаноатлантирсин.

$A(\Omega)$ орқали Ω соҳада (2) тенгламани қаноатлантирувчи ва $\Omega\bigcup\partial\Omega=\overline{\Omega}$да узлуксиз, $A_\rho(\Omega)$ орқали эса $A(\Omega)$тўпламдан олинган қуйидаги ўсиш шартини қаноатлантирувчи вектор-функциялар синфини белгилаймиз:

$$A_\rho(\Omega)=\left\{\vec{F}(y)\in A(\Omega):\left|\vec{F}(y)\right|\le\exp\left[o(\exp\rho|y'|)\right],|y'|^2=y_1^2+y_2^2,y\to\infty\ \ y\in\Omega\right\}. \qquad (4)$$

Теорема 1. $\vec{F}(y)\in A_\rho(\Omega)$ умумлашган потенциал вектор-функция чегаравий ўсиш шартини қаноатлантирсин

$$\left|\vec{F}(y)\right|\le C\exp\left[a\cos\rho_1(y_3-\frac{h}{2})\exp\rho_1|y'|\right],\ \ a\ge 0\,,\ y\in\partial\Omega\ .$$

Агар $0<\rho_1<\rho$ бўлса, у ҳолда ушбу формула ўринли

$$\vec{F}(x)=\int_{\partial\Omega}M\left(y,x;\vec{A}\right)\vec{F}(y)dS_y\,,\quad x\in\Omega, \qquad (5)$$

$M\left(y,x;\vec{A}\right)$ фундаментал ечимлар матрицаси.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида умумлашган Моисил - Теодореско системаси

$$div\,\overrightarrow{F^*}+(\vec{A}\cdot\overrightarrow{F^*})=0\,,\,grad\,F_0+rot\overrightarrow{F^*}+[\overrightarrow{F^*}\times A]+F_0\cdot A=0 \qquad (6)$$

ечими, $\vec{F}(x)=(F_0(x),F_1(x),F_2(x),F_3(x))$-умумлашган голоморф вектор учун чегараси компакт бўлмаган Ω чексиз соҳада Кошининг интеграл формуласи ҳосил қилинган.

Биринчи бобнинг тўртинчи параграфида R^3 фазодаги чегараланган бир боғламли Ω соҳада умумлашган Моисил-Теодореско системаси учун Коши масаласини регулярлашган ечими аниқ кўринишда ҳосил қилинган, бунда соҳа чегараси $y_3=0$ текисликнинг T компактли боғламли қисми ва $y_3\ge 0$ ярим фазода ётувчи S Ляпунов сиртининг силлиқ бўлагидан ташкил топган $\partial\Omega=S\cup T$.

Масала 1. S сиртда (6) система ечимининг Коши берилгани маълум

$$\vec{F}(y)\Big|_S=\vec{f}(y),\quad y\in S\,, \qquad (7)$$

$\vec{f}=(f_1,\,f_2,\,f_3,\,f_4)$ - берилган узлуксиз вектор-функция. Берилган $\vec{f}$ га кўра Ω соҳада $\vec{F}(x)$ функцияни тиклаш талаб қилинган, яъни чегаранинг S силлиқ бўлагида берилган қийматига кўра чегараланган соҳага (6) тенглама ечимини аналитик давом эттириш.

$H(\Omega)$ орқали (6) тенгламани қаноатлантирувчи ва $\Omega\cup\partial\Omega=\overline{\Omega}$ да узлуксиз вектор функциялар тўпламини ва

$$\vec{F}_\sigma(x)=\int\limits_S M_\sigma\left(y,x;\vec{A}\right)\vec{f}(y)dS_y,\quad x\in\Omega, \qquad (8)$$

белгилаймиз.

Теорема 2. $\vec{F}(y)\in H(\Omega)$ вектор-функция $\partial\Omega$ чегаранинг T қисмида

$$\left|\vec{F}(y)\right|\le K,\quad y\in T \qquad (9)$$

шартни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $x\in\Omega$ ва $\sigma>0$ учун қуйидаги тенгсизлик

$$\left|\vec{F}(x)-\vec{F}_\sigma(x)\right|\le C(\sigma,\,\vec{A})K\exp\left(-\sigma x_3^2\right)$$

ўринли, бу ерда $C(\sigma,\vec{A})=\dfrac{\sqrt{3}}{\sqrt{\pi}}\left(\dfrac{2+\pi}{2\sqrt{\pi}}+\dfrac{|\vec{A}|}{\sqrt{\sigma}}\right).$

Натижа 1. Ихтиёрий $x\in\Omega$ учун ушбу тенглик ўринли

$$\lim_{\sigma\to\infty}\vec{F}_\sigma(x)=\vec{F}(x), \qquad (10)$$

Ω дан олинган компактда лимит текис бажарилади.

Фараз қилайлик, S сирт $y_3=L(y_1,y_2),\,(y_1,y_2)\in T$ тенглама билан берилган, бунда L- Ляпунов шартини қанооатлантирувчи, бир қийматли функция, қайсики

$$\max_T L=a\,,\quad b=\max\left[1+(\frac{dL}{dy_1})^2+(\frac{dL}{dy_2})^2\right]^{\frac{1}{2}}$$

ва S сиртда $\vec{f}(y)$ нинг ўрнига унинг $C(S)$ синфдан $\delta > 0$ четланишли узлуксиз яқинлашиши $\vec{f}_{\delta}(y)$ берилган:

$$\max_{S}\left|\vec{f}(y)-\vec{f}_{\delta}(y)\right| \le \delta . \tag{11}$$

$$\vec{F}_{\sigma\delta}(x)=\int_{S} M_{\sigma}\left(y, x; \vec{A}\right)\vec{f}_{\sigma}(y)dS_{y} \tag{12}$$

белгилаймиз, бунда $\sigma=\frac{1}{a^{2}}\ln\frac{K}{\delta}, \ \delta<K$.

Теорема 3. $\vec{F}(y)\in H(\Omega)$ вектор-функция (9) шартни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $x\in\Omega$ учун қуйидаги тенгсизлик ўринли

$$\left|\vec{F}(x)-\vec{F}_{\sigma\delta}(x)\right| \le \psi\left(\sigma, \vec{A}\right)K^{1-\frac{x_3^2}{a^2}}\delta^{\frac{x_3^2}{a^2}},$$

бунда $\psi(\sigma,\vec{A})=\frac{3}{\pi}\left[2b\sqrt{\pi}\left(\frac{1}{\sqrt{3\sigma}}\left|\vec{A}\right|+\sqrt{\sigma}\right)+2+a(1+3b)\sqrt{\pi\sigma}\right]$.

Натижа 2. Ихтиёрий $x\in\Omega$ учун ушбу тенглик ўринли

$$\vec{F}(x)=\lim_{\delta\to 0}\vec{F}_{\sigma\delta}(x),$$

Ω дан олинган компактда текис бажарилади.

Бир боғламли чегараланган Ω_{ρ}-соҳанинг чегараси $\partial\Omega_{\rho}$: конуснинг сирти қисми $\partial G_{\rho}=\{y:|y'|=\tau y_1,\ y_1>0\}$ ва $G_{\rho}=\{y:|y'|<\tau y_1,\ y_1>0\}$ конусда ётувчи S сиртнинг силлиқ бўлагидан иборат бўлган умумий ҳолда аналитик давом формуласи исботланган.

(1) формулада $K(w)$ сифатида бутун Миттаг-Леффлера функцияси танланади $K(w)=E_{\rho}(\sigma w)e^{\sigma w^2}$, бунда $\rho>1$, $\sigma\ge 0$, $w=i\sqrt{u^2+\alpha^2}+y_1-x_1$, $K(x_1)=E_{\rho}(0)=1$.

Биринчи бобнинг бешинчи параграфида умумлашган Моисил-Теодореско системаси учун Коши масаласи ечими мавжудлигининг зарурий ва етарли шарти исботланган.

Теорема 4. $S\in C^2,\ f(y)\in C(S_0)\bigcap L(S)$ бўлсин, бунда S_0 - S нинг ички нуқталари тўплами (S - чегарасиз). У ҳолда, шундай $F(y)=f(y)$, $y\in S_0,\ F(y)\in H(\Omega)\bigcap C(S_0)$ вектор-функцияни мавжуд бўлиши учун, $0<x_3<2b$ шартни қаноатлантирувчи ҳар бир $x\in R^3$ да қуйидаги хосмас интегрални яқинлашиши ($\delta<x_3\le 2b-\delta,\ 0<\delta<b$ да текис)

$$\left|\int_{1}^{\infty}\vec{I}(\sigma, x)d\sigma\right|<\infty, \tag{13}$$

зарур ва етарли, бунда

$$\vec{I}(\sigma, x)\equiv\frac{d\vec{F}_{\sigma}}{d\sigma}(x)=\int_{S}N_{\sigma}(y-x;\vec{A})f(y)dS_y,\ N_{\sigma}(y-x;\vec{A})=\frac{dM_{\sigma}}{d\sigma}(y-x;\vec{A}).$$

Агар (13) шарт бажарилса, у ҳолда аналитик давом эквивалент бўлган (10) ва

$$\vec{F}(x) = \int_1^{\infty} \vec{I}(\sigma, x) d\sigma + E(x) + \int_S M_0(r; \vec{A}) \vec{f}(y)\, dS_y \tag{14}$$

формулалар билан амалга оширилади, бунда $E(x)$- (6) системанинг R^3 даги регуляр ечими.

Биринчи бобнинг олтинчи параграфида $\partial\Omega = \{y : y \in R^3,\ y_3 = 0\} \bigcup S$, S силлиқ Ляпунов сирти бўлиб, қуйидаги тенглама билан берилган

$$y_3 = L(y_1, y_2), \quad (y_1, y_2) \in R^2\ 0 < y_3 < h,\ h = \frac{\pi}{\rho},\ \rho > 0,\ \left|\frac{\partial L}{\partial y_j}(y')\right| \le c < \infty.$$

$$H_\rho(\Omega) = \left\{\left|\vec{F}(y)\right| \le \exp\left[o(\exp \rho|y'|)\right], |y'|^2 = y_1^2 + y_2^2, y \to \infty\ \ y \in \Omega\right\}. \tag{15}$$

(1) формулада $K(w) = (w + 2h)^{-1} \exp(w^2), w = i\sqrt{s + u^2} + y_3 - x_3$, $\vec{f}_\delta(y)$, $\vec{F}_\sigma(x)$, $\vec{F}_{\sigma\delta}(x)$ функциялар (11), (8), (12) формулалардан мос ҳолда аниқланади ва 2, 3 теоремалар кўринишидаги натижалар олинган.

Диссертациянинг **«Кўп ўлчамли ($n \ge 3$) соҳада умумлашган Коши-Риман системаси ечимини соҳа чегарасининг қисмида берилган қиймати бўйича давом эттириш»** деб номланувчи иккинчи боби кўп ўлчамли чегараланган ва чексиз соҳада Коши масаласини регулярлашган ечимини қуриш ва Фок-Куни теоремасини ўхшашини исботлашга бағишланган.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида R^n, $n \ge 3$ фазода умумлашган Коши-Риман системаси учун Коши масаласини регулярлашган ечими қурилади.

$x = (x_1, ..., x_n)$, $y = (y_1, ..., y_n)$ n - ўлчовли ҳақиқий R^n евклид фазосининг нуқталари бўлсин. $\Omega -$ R^n да чегараланган бир боғламли соҳа, чегараси $\partial\Omega$ бўлакли-силлиқ $y_n = 0$ текисликнинг T компактли боғламли қисми ва юқори $y_n \ge 0$, ярим текисликда ётувчи S Ляпунов сиртининг силлиқ бўлагидан ташкил топган, яъни $\partial\Omega = S \bigcup T$.

$\vec{F}(x) = (F_1(x), ..., F_n(x))$ вектор-функция Ω соҳада

$$\sum_{k=1}^{n} \left(\frac{\partial F_k}{\partial x_k} + a_k F_k \right) = 0, \quad \frac{\partial F_j}{\partial x_k} - \frac{\partial F_k}{\partial x_j} - a_k F_j + a_j F_k = 0\,(k, j = 1,2,...,n), \tag{16}$$

умумлашган Коши-Риман системасининг n-ўлчамли ўхшашидан иборат, бунда $\vec{A} = (a_1, a_2, ..., a_n)$ -берилган ўзгармас вектор.

Ушбу белгилашлар орқали

$$L_{kj}(X_1,\ X_2,\ \ldots, X_n; \vec{A})\vec{F} = L_{jk}(X_1,\ X_2,\ \ldots, X_n; \vec{A})\vec{F} =$$

$$= (X_k - a_k)F_j - (X_j - a_j)F_k + \delta_{kj}(X_l + a_l)F_l \quad , \qquad (k \le j)$$

$$L_k(X; A)\vec{F} = (L_{k1}, \cdots, L_{kn})\vec{F}\ \ (k, l, j = 1, 2, \cdots, n),$$

δ_{kj}- Кронекер белгиси, (16) системани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$L_k\left(\frac{\partial}{\partial x}; \vec{A}\right)\vec{F} = 0 \qquad (k = 1, \ldots, n). \tag{17}$$

Ҳар бир L_k операторга қўшма оператор L_k^* қуйидагича аниқланади:

$$L_k^*(\vec{X};\ \vec{A})\vec{V} = L_k(\overset{k}{\vec{X}};\ \vec{A}_k)\vec{V}, \tag{18}$$

бунда $\overset{k}{\vec{X}} = (-X_1,\ \cdots, -X_{k-1}, X_k, \cdots, X_n)$, $\vec{A}_k = (-a_1, \cdots, -a_{k-1}, -a_k, a_{k+1}, \cdots, a_n)$.

Масала 2. S сиртда (17) тенглама ечимини Коши берилганлари маълум:

$$\vec{F}(y)\Big|_S = \vec{f}(y), \quad y \in S, \tag{19}$$

$\vec{f}(y) = (f_1(y),\ f_2(y),\ ...,\ f_n(y))$- берилган узлуксиз вектор-функция. Берилган $\vec{f}$ га кўра Ω соҳада $\vec{F}(x)$ функцияни тиклаш талаб қилинган, яъни чегаранинг S силлиқ бўлагида берилган қийматига кўра чегараланган Ω соҳага (17) тенглама ечимини аналитик давом эттириш масаласини ечиш.

$A(\Omega)$ орқали (17) тенгламани қаноатлантирувчи ва $\Omega \cup \partial\Omega = \overline{\Omega}$ да узлуксиз вектор-функциялар тўпламини ва

$$\vec{F}_\sigma(x) = \int_S M_\sigma(y, x; \vec{A})\vec{f}(y) dS_y, \quad x \in \Omega, \tag{20}$$

белгилаймиз, $M_\sigma(y, x, \vec{A})$ - (17), (19) Коши масаласининг Карлеман матрицаси

$$M_\sigma(y, x; \vec{A}) = \left\| L_k^*(\alpha_1, \alpha_2, \cdots, \alpha_n;\ 0)\overset{k}{V} \right\|, \tag{21}$$

$$\overset{k}{V} = \left(\overset{k}{V}_1,\ \overset{k}{V}_2, \cdots, \overset{k}{V}_n\right): \qquad \overset{i}{V}_k(y, x) = \left(\frac{\partial \Phi(y, x; \lambda)}{\partial x_k} - \Phi(y, x; \lambda)\right) \cdot sign(k - i), \quad i \neq k,$$

$\overset{i}{V}_i(y, x) = \dfrac{\partial \Phi(y, x;\ \lambda)}{\partial x_i} + a_i \Phi(y, x;\ \lambda)$ тенгликлар билан $\Phi_\sigma(y, x;\ \lambda)$ эса (1) формуладан аниқланади, бунда $K(w) = \exp(\sigma w^2)$, $w = i\sqrt{u^2 + \alpha^2} + y_n$.

Теорема 5. $\vec{F}(y) \in A(\Omega)$ вектор-функция $\partial\Omega$ чегаранинг T қисмида

$$\left|\vec{F}(y)\right| \leq K, \quad y \in T \tag{22}$$

шартни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $x \in \Omega$ ва $\sigma > 0$ учун қуйидаги тенгсизлик

$$\left|\vec{F}(x) - \vec{F}_\sigma(x)\right| \leq C(\sigma,\ \vec{A}) K \exp\left(-\sigma x_n^2\right)$$

ўринли, бу ерда $C(\sigma, \vec{A})$ 2-теоремадаги каби аниқланади.

S сиртда $\vec{f}(y)$ нинг ўрнига унинг $C(S)$ синфдан $\delta > 0$ четланишли узлуксиз яқинлашиши $\vec{f}_\delta(y)$ берилган:

$$\max_S \left|\vec{f}(y) - \vec{f}_\delta(y)\right| \leq \delta, \tag{23}$$

$\vec{F}(x, \vec{f}_\delta) = \vec{F}_{\sigma\delta}$ вектор-функцияни

$$\vec{F}_{\sigma\delta}(x) = \int_S M_\sigma(y, x;\ A)\vec{f}_\sigma(y) dS_y \tag{24}$$

формула орқали аниқлаймиз, бунда $\sigma = \dfrac{1}{a^2}\ln\dfrac{K}{\delta}$, $\delta < K$.

Теорема 6. $A(\Omega)$ синфдан олинган $\vec{F}(y)$ вектор-функция (22), (23) шартларни қаноатлантирсин. У ҳолда ихтиёрий $x \in \Omega$ учун ушбу тенгсизлик ўринли

$$\left|\vec{F}(x) - \vec{F}_{\sigma\delta}(x)\right| \le \psi(\sigma,\, A) K^{1-\frac{x_n^2}{a^2}} \delta^{\frac{x_n^2}{b_1^2}},$$

бу ерда $\psi(\sigma, A) = \dfrac{3}{\pi}\left[2b_2\sqrt{\pi}\left(\dfrac{1}{\sqrt{3\sigma}}\,|A| + \sqrt{\sigma}\right) + 2 + b_1(1+3b_2)\sqrt{\pi\sigma}\right].$

Натижа 3. Ихтиёрий $x \in \Omega$ учун ушбу тенглик ўринли

$$\lim_{\sigma\to\infty} \vec{F}_\sigma(x) = \vec{F}(x), \qquad \lim_{\delta\to 0} \vec{F}_{\sigma\delta}(x) = \vec{F}(x), \quad x \in \Omega,$$

қайсики Ω соҳадан олинган ҳар бир компактда лимит текис бажарилади.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида кўп ўлчамли $R^n, (n \ge 3)$ фазонинг конус кўринишидаги Ω_ρ-соҳасида 6,7-теоремаларга ўхшаш теоремалар исботланган.

Иккинчи бобнинг учинчи параграфида шу бобнинг биринчи ва иккинчи параграфларида қаралган соҳаларда (17) система ечими мавжудлигини кўрсатувчи Фок-Куни теоремасининг ўхшаши исботланган, яъни қуйидаги масала ечилган.

Масала 3. S сиртда узлуксиз $\vec{f}(y)$ вектор-функция берилган. $\vec{f}(y)$ га шундай зарурий ва етарли шарт кўрсатиш керакки, (17) системани $A(\Omega_\rho)$ синфдан олинган ва (19) шартни қаноатлантирувчи ечими мавжуд бўлсин.

Иккинчи бобнинг тўртинчи параграфида умумлашган Коши-Риман системаси учун чексиз соҳада Кошининг интеграл формуласи олинган.

$\Omega \subset R^n$ соҳа: $0 \le y_n \le h, \;\; h = \dfrac{\pi}{\rho}, \;\; \rho > 0$ тенгсизлик билан аниқланувчи энг кичик кенгликдаги қатлам ичида ётиб, $\partial\Omega$ чегараси юзаси

$$\int_{\partial\Omega} \exp\{-b_0\, ch\rho_0 |y'|\} ds < \infty, \quad b_0 > 0,\; 0 < \rho_0 < \rho$$

ўсиш шартини қаноатлантиради ва

$$A_\rho(\Omega) = \Big\{\vec{F}(y) : \vec{F}(y) \in A(\Omega),\, \left|\vec{F}(y)\right| \le \exp[o(\exp \rho |y'|)],$$

$$|y'|^2 = y_1^2 + \cdots + y_{n-1}^2,\, y \to \infty,\, y \in \Omega\Big\}. \tag{25}$$

Теорема 7. $F(y) \in A_\rho(\Omega)$ чегаравий ўсиш шартини қаноатлантиради

$$\left|\vec{F}(y)\right| \le C \exp\left[a \cos\rho_1 (y_n - \frac{h}{2}) \exp \rho_1 |y'|\right], \;\; a \ge 0,\; y \in \partial\Omega.$$

Агар $0 < \rho_1 < \rho$ бўлса, у ҳолда қуйидаги формула ўринлидир

$$\vec{F}(x) = \int_{\partial\Omega} M(x, y;\, A) \vec{F}(y) dS_y,\;\; x \in \Omega. \tag{26}$$

Иккинчи бобнинг бешинчи параграфида қатлам кўринишидаги соҳада умумлашган Коши-Риман системаси учун Коши масаласининг регулярлашган ечими қурилган ва турғунлик баҳоси олинган.

Бир боғламли чегараланмаган $\Omega \subset R^n$ соҳанинг чегараси $y_n = 0$ гипертекислик ва $y_n = L(y_1, y_2, \ldots, y_{n-1})$ тенглама билан берилган S силлиқ сиртдан ташкил топган ҳамда

$$0 < L(y_1, \ldots, y_{n-1}) \le h, \ \left| gradL(y_1, \ldots, y_{n-1}) \right| \le const < \infty, \ (y_1, \ldots, y_{n-1}) \in R^{n-1}.$$

шартни қаноатлантиради.

Турғунлик баҳоси ўринли.

Теорема 8. $\vec{F}(x) \in A_\rho(\Omega)$ вектор-функция $y_n = 0$ гипертекисликда (22) чегаравий шартни, S - сиртда $\left|\vec{F}(y)\right| \le \delta, \ y \in S, \ 0 < \delta < 1$ шартни қаноатлантирсин. У ҳолда

$$\left|\vec{F}(x)\right| \le C_\rho(x, \lambda) \frac{2K^{1-\frac{x_3^2}{h^2}}}{h^{2(n+2)}} \delta^{\left(\frac{x_n}{h}\right)^2} \ln^{n+2}\left(\frac{K}{\delta}\right), \ x \in \Omega$$

ўринли, бу ерда $C_\rho(x, \lambda) = C(k, \lambda \int_{\partial\Omega} r^{1-n} \, dS_y.$

Диссертациянинг **«Бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси ечимини уч ўлчовли соҳада соҳа чегарасининг қисмида берилган қиймати бўйича тиклаш»** деб аталувчи учинчи бобида чегараси компакт бўлмаган фазовий чексиз соҳада Стрэттон-Чу интеграл формуласи қурилган, чекли ва чексиз соҳаларда Коши масаласини регулярлашган ечими тикланган.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида қатлам кўринишидаги чексиз соҳада гармоник ҳолатдаги Максвелл тенгламалар системаси

$$rot\vec{E} - ik\vec{H} = 0; \quad rot\vec{H} + ik\vec{E} = 0, \tag{27}$$

ечими интеграл тасвири ҳосил қилинган, бунда $k^2 = (\varepsilon + \frac{i\sigma}{\omega})\mu\omega^2$.

$\Omega : 0 < y_3 < h, \ h = \frac{\pi}{\rho}, \ \rho > 0$ тенгсизлик билан аниқланувчи энг кичик кенгликдаги қатлам ичида ётувчи, чегараси $\partial\Omega$ чексизга қадар чўзиладиган чексиз соҳа. $\partial\Omega$ чегаранинг юзаси (3) ўсиш шартини қаноатлантиради.

$M(\Omega)$ орқали (27) тенгламалар системасини қаноатлантирувчи ва $\Omega \cup \partial\Omega = \overline{\Omega}$ да узлуксиз вектор-функциялар тўпламини ҳамда

$$M_\rho(\Omega) = \left\{ \vec{E}(y), \vec{H}(y) \in M(\Omega) : \left|\vec{E}(y)\right| \le \exp\left[o(\exp \rho |y'|)\right], \left|\vec{H}(y)\right| \le \exp\left[o(\exp \rho |y'|)\right], \right.$$

$$\left. |y'|^2 = y_1^2 + y_2^2, y \to \infty \ \ y \in \Omega \right\}$$

белгилаймиз.

Теорема 9. $\vec{E}(y), \ \vec{H}(y) \in M_\rho(\Omega)$ электромагнит векторлар чегаравий ўсиш шартини

$$\left|\vec{E}(y)\right| \le C \exp\left[a \cos \rho_1 (y_3 - \frac{h}{2}) \exp \rho_1 |y'| \right],$$

$$\left|\vec{H}(y)\right| \le C \exp\left[a \cos \rho_1 (y_3 - \frac{h}{2}) \exp \rho_1 |y'| \right],$$

$$y \in \partial\Omega, \ a \ge 0, \ \rho_1 > 0, \ C = const,$$

қаноатлантирсин. Агар $\rho_1 < \rho$ бўлса, у ҳолда ушбу Стрэттон-Чу формуласи ўринли

$$\vec{E}(x) = -\int_{\partial\Omega} \left[\vec{n}(y), \vec{E}(y)\right] N(r, k) dS_y + \frac{1}{ik} \int_{\partial\Omega} \left[\vec{n}(y), \vec{H}(y)\right] M(r, k) dS_y, \quad x \in \Omega,$$

$$\vec{H}(x) = -\int_{\partial\Omega} \left[\vec{n}(y), \vec{H}(y)\right] N(r, k) dS_y - \frac{1}{ik} \int_{\partial\Omega} \left[\vec{n}(y), \vec{E}(y)\right] M(r, k) dS_y, \quad x \in \Omega..$$

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида (27) бир жинсли Максвелл тенгламалари системаси учун қўйилган Коши масаласини коррект эмаслигини кўрсатувчи Адамар мисолининг ўхшаши ва Карлеман матрицаси қурилган.

Масала 4. S сиртда (27) тенгламалар системаси ечимини Коши берилганлари маълум:

$$[\vec{n}(y), \vec{E}(y)] = \vec{f}(y), \quad [\vec{n}(y), \vec{H}(y)] = \vec{g}(y), \quad y \in S. \tag{28}$$

Берилган $\vec{f}(y)$ ва $\vec{g}(y)$ кўра S да $\vec{E}(x)$, $\vec{H}(x)$, $x \in \Omega$ ларни топиш талаб этилади.

Масала 5. S сиртда $\vec{f}(y)$ ва $\vec{g}(y)$ функциялар берилган. $\vec{f}(y)$ ва $\vec{g}(y)$ функцларга шундай зарурий ва етарли шарт кўрсатиш керакки, (27) системани $M(\Omega) \cap C(S)$ синфдан олинган ва (28) шартни қаноатлантирувчи ечими мавжуд бўлсин.

Лемма 1. Қуйидаги формула билан аниқланган $M_\sigma(y,x;k)$, $N_\sigma(y,x;k)$ матрицалар

$$M_\sigma(y,x;k) = \left\| M_{\sigma i j}(y, x; k) \right\|_{3\times 3} = \left\| \frac{\partial^2 \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_i \, \partial x_j} + \delta_{i j} k^2 \Phi_\sigma(y, x; k) \right\|_{3\times 3},$$

$$N_\sigma(y, x; k) = \begin{Vmatrix} 0 & \dfrac{\partial \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_3} & -\dfrac{\partial \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_2} \\ -\dfrac{\partial \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_3} & 0 & \dfrac{\partial \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_1} \\ \dfrac{\partial \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_2} & -\dfrac{\partial \Phi_\sigma(y, x; k)}{\partial x_1} & 0 \end{Vmatrix}, \tag{29}$$

(27), (28) масаланинг Карлеман матрицаси дейилади, яъни ушбу кўринишда ифодалаш мумкин

$$M_\sigma(y,x;k) = H(r; k) + G_{1\sigma}(y,x;k), \quad N_\sigma(y,x;k) = \overline{H}(r; k) + G_{2\sigma}(y,x;k),$$

бу ерда $G_{m\sigma}(y,x; k) = \left\| G_{ij\sigma}(y,x; k) \right\|_{3x3}$, $m = 1,2$ - матрицалар, барча y, x қиймат-ларида аниқланган ва y ўзгарувчи бўйича бутун R^3 фазода (27) системани қаноатлантиради.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида (27) система учун чегараланган соҳада Карлеман формуласи исботланиб, шу асосида Коши масалаласининг регулярлашган ечими қурилган ҳамда ечимнинг мавжудлик критерияси исботланган.

Теорема 10. $\vec{E}(y), \vec{H}(y) \in M(\Omega)$ ва $\left[\vec{n}(y),\ \vec{E}(y)\right] = \vec{f}(y), \left[\vec{n}(y),\ \vec{H}(y)\right] = \vec{g}(y),\ y \in S$ бу ерда $\vec{f}(y), \vec{g}(y) \in C(S)$. У ҳолда ихтиёрий $x \in \Omega$ учун Карлеман формуласи ўринли:

$$\vec{E}(x) = \lim_{\sigma\to\infty} \vec{E}_\sigma(x) = \lim_{\sigma\to\infty} \int_S \left[-\vec{f}(y) N_\sigma(y-x;k) + \frac{1}{ik}\vec{g}(y) M_\sigma(y-x;k) \right] dS_y ,$$

$$\vec{H}(x) = \lim_{\sigma\to\infty} \vec{H}_\sigma(x) = \lim_{\sigma\to\infty} \int_S \left[-\vec{g}(y) N_\sigma(y-x;k) - \frac{1}{ik}\vec{f}(y) M_\sigma(y-x;k) \right] dS_y . \quad (30)$$

Теорема 11. $S \in C^2,\ \vec{f}(y), \vec{g}(y) \in C(S_0) \cap L(S)$ бўлсин, бу ерда S_0 - S нинг ички нуқталар тўплами (S - чегарасиз). У ҳолда

$$\left[\vec{n}(y),\ \vec{E}(y)\right] = \vec{f}(y),\ \left[\vec{n}(y),\ \vec{H}(y)\right] = \vec{g}(y),\ y \in S_0, \quad (31)$$

шартни қаноатлантирувчи $\vec{E}(y), \vec{H}(y) \in A(\Omega) \cap C(S_0)$ функциялар мавжуд бўлиши учун $0 < x_3 < 2a$ шартни қаноатлантирувчи ҳар бир $x \in R^3$ нуқтада хосмас интегрални

$$\left| \int_1^\infty \vec{I}_m(\sigma,\ x) d\sigma \right| < \infty, \qquad m = 1, 2 \quad (32)$$

яқинлашиши ($\delta < x_3 \le 2a - \delta,\ 0 < \delta < a$ да текис яқинлашиши) зарур ва етарли, қайсики $I_m(\sigma,\ x)$ қуйидаги формуладан аниқланади

